

# PEDAGOGIK MAHORAT

**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**

**5-son (2020-yil, oktabr)**

**Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan**

**Buxoro – 2020**

Лобар ШАРИПОВА

Бухоро давлат университети  
умумий ва ноорганик кимё  
кафедраси ўқитувчиси

Башорат ШАРИПОВА

Бухоро шаҳар  
41 – ўрта мактаб ўқитувчиси

## ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МОДДИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ушбу мақолада ўқитувчилар ва талабаларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар баён қилинган.*

**Таянч иборалар:** педагогик маҳорат, моддий ҳаёт, педагогик технология, машғулот ўтказиш технологияси, маънавий ҳаёт.

*В статье рассматривается важность использования современных педагогических технологий в развитии духовной и материальной гармонии учителей и учащихся.*

**Ключевые слова:** педагогическое мастерство, материальная жизнь, педагогическая технология, технология обучения, духовная жизнь.

*The article coucillor and binding spiritual-material life belolipetskiy pedagogical technologielaan pagecasinos value nasleduetoe think lannan.*

**Key words:** pedagogical skills, material life, pedagogical technology, teaching technology, spiritual life.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини куриш йўлидан бораётган бир пайтда, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдан иборат. Бу баробарида дарсларда педагогик технологиялардан фойдаланиш яхши самара беради.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб ўқувчининг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишини кучайтириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборат. Жаҳон педагогик тажрибаси, замонавий педагогик технологияларнинг талабаларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси талабаларни кун сайин ошиб бораётган ахборот – таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатиш лозим. Бунинг учун узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Маънавий ҳаёт моҳиятига кўра инсоннинг ғоявий нуктаи назардан камол топишини таъминловчи муҳит бўлиб, унда шахс руҳияти, ҳиссиёти, онги, тафаккури ва дунёқараши шаклланади, унинг маънавий эҳтиёжлари қондирилади. Шахс маънавий ҳаётининг ташкил этилишида фан, маданият, санъат, дин, ахлоқ, сиёсат ҳамда ҳуқуқ етакчи ўрин тутди. Моддий ҳаёт моҳиятига кўра, инсонни табиий ва сунъий равишда ўраб олувчи муҳит бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш тажрибаси, техника, технология ҳамда бошқа моддий қадриятлар мажмуи асосида ҳосил бўлади. Моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш – шахс томонидан маънавий ва моддий эҳтиёжларни қондириш йўлида амалга оширилаётган жисмоний хатти-ҳаракат ҳамда ғоявий-руҳий жараёнларнинг мазмунан бир-бирига мос келиши; маънавий ва моддий ҳаётнинг ўзаро мутаносиблигидир, мазкур жараённинг моҳиятини моддий неъматни яратиш йўлида ташкил этилаётган жисмоний ҳаракатларнинг эзгу ғоялар билан рағбатлантирилиши тарзида талқин этилишидир. Демак, таълим-тарбия жараёнлари ёки аудитория, таълим муассасаларидан ташқарида

ташқил этиладиган тарбияга йўналтирилган фаолиятларда талабаларда моддий бойликка (унинг эквивалент кўриниши бўлган пул) ижобий муносабат мавжуд бўлса, уни яратиш жараёнига ҳам ижобий ёндашув зарурлигини уқтириб бориш талаб этилади. Ана шундагина талаба ҳам маънавий жиҳатдан ўсади, ҳам моддий фаровонликка эришади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ўқитувчи ва талабалар ўртасида фаол ҳамкорликдаги таълим амалга ошади ва унда ҳар икки томон ҳам бир-бирини тўлиқ тушунишга эришади. Демак, педагогик технологиялар ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги фаоллик асосланган педагогик таъсир этиш усулларида бири бўлиб, у таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчиларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда мазкур усулдан фойдаланиш орқали уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади, мазкур мавзу юзасидан эркин фикрлашларига кенг йўл очилади. Бу эса, ўз навбатида, талабаларни мустақил қарорлар қабул қилишга, ижодий фикр-мулоҳаза юритишга йўналтиради ҳамда уларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги ҳақидаги билим, кўникма ва малакалар ривожланиб боради. Бўлажак ўқитувчиларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ўзига хос мақсад ва вазифалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- талабаларни маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги масаласи борасида эркин, танқидий, таҳлилий, мантикий, ижодий фикрлашга ва улар асосида тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатиш;
- талабаларнинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги ҳақидаги муаммоли вазиятларни тўғри ҳал қилишга, назарий ва амалий ҳамда касбий (ҳаётий) топшириқларни бажаришни уддалашга ўргатиш;
- талабаларнинг маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги масаласи ҳақида фикрлашга ундаш орқали уларни изланиш ва ижодкорликка йўналтириш;
- педагогик жараёндаги ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг самарали йўллари ва касбий билим, кўникма ҳамда малакаларини эгаллашга бўлган қизиқишларини таъминлаш;
- талабаларни ташкилотчилик, бошқарувчанлик ва йўналтирувчанликка ундаш;
- ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш.

Демак, педагогик технологиялар бўлажак ўқитувчиларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда самарали таъсир кучига эга бўлиб, улар томонидан тақлиф этилган маълумотларни тўла тушунишга ҳамда ўзлаштиришга замин яратади. Қуйида педагогик технологияларнинг бўлажак ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда хизмат қиладиган жиҳатларини мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

“Қарама-қарши муносабат” методи. Бу метод талабалар ўзлаштирган билимларини таҳлил ва таҳлил-синтез қилиш асосида ҳамда иккинчи даражали маълумотлар сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради. Шу билан бирга уларда берилган мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув мавзунинг умумий моҳиятини чуқур англаб олишларига йўналтирилган. Ушбу метод аввал талаба билан якка ишлаш, сўнгра кичик гуруҳда ишлаш орқали ташқил этилади. Машғулотда талабаларга якка тартибда ва гуруҳларда ишлашлари учун олдиндан тайёрлаб қўйилган методик тарқатма материаллар берилади. Бунда улар аввал якка тартибда, сўнгра кичик гуруҳларда ва жамоада ишлайдилар. “Қарама-қарши муносабат” методидан бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташқил этишда фойдаланилса янада самаралироқ бўлади. Қўлланиши: маъруза, лаборатория, семинар ва талабаларнинг бўш вақтларини самарали ташқил этишда фойдаланиш мумкин.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: А-3, А-4 форматдаги қоғозлар ва маркерлар.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Мавзунинг умумий мазмуни ёдга олинади ва машғулот кетма-кетлиги талабаларга тушунтирилади.
2. Мавзунинг моҳиятини ёритувчи тушунчалар аниқланади.
3. Улар муайян кетма-кетликда қайд этилади.
4. Тушунчалар шахсий ёндашув асосида муҳим бўлган ва муҳим бўлмаган тушунчалар тарзида гуруҳланади.
5. Жадвал тузилиб, унинг биринчи устунига муҳим бўлган, иккинчи устунига муҳим бўлмаган тушунчалар ёзилади.
6. Аввал якка тартибда, сўнгра кичик гуруҳларда вазифалар муҳокама қилинади.
7. Кичик гуруҳлар ўз ишларини ўқиб эшиттирадилар ва гуруҳ фикр-мулоҳазалари жамоада муҳокама этилади.
8. Жамоанинг умумий фикрига кўра якуний хулосани ифода этувчи жадвал яратилади.

“Келишув ва зиддият” ролли-ишчан ўйини. Методнинг мақсади: талабаларда мантикий ва танқидий фикрлаш, муросага келиш маҳоратини ривожлантириш ҳамда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига тегишли бўлган тушунчаларнинг моҳиятини таҳлил этиш.

Машғулоти ўтказиш тартиби.

Ўйиннинг бориши. Талабаларга кетма-кет тасдиқлаш мумкин бўлган фикрлар ёзилган тарқатма материаллар намойиш этилади ва бу фикрларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик таклиф қилинади. Тарқатма материалдаги фикрларни қабул қилган талабалар бир томонга, қолганлар эса бошқа томонга ўтадилар. Натижада 2 та кичик гуруҳ ҳосил бўлади. Гуруҳларнинг вазифалари бошқа гуруҳ вакиллари ўз гуруҳларига оғдиришдан иборатдир. Тарқатма материалда тахминан қуйидагича фикрлар бериш мумкин:

- инсон ҳаётида моддий ҳаёт асосий аҳамиятга эга;
- маънавий ҳаёт тушунчаси бугунги куннинг долзарб масаласи;
- моддий ҳаёт асосини нафсни жиловлай билиш тартибга солиб туради;
- моддий ҳаёт – моддий эҳтиёж, пул, кўчмас мулк дегани;
- шахс маънавиятли бўлмай туриб моддий фаровонликка эриша олмайди;
- машхур шахслар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш омад ва муваффақиятнинг омили ҳисобланади;
- моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришиш шахсан мен учун муҳим аҳамиятга эга;
- моддий эҳтиёжлар меҳнат қилиш, билим олиш, касбий ва ҳаётий тажрибани ошириш йўллари

билан қондирилиши мумкин;

– маънавиятли шахс ўз моддий эҳтиёжларини қондиришда ўзгалар манфаатини поймол этиб мақсадга эришишдан, қарз олишдан, ўз имкониятларини нотўғри баҳолашдан фойдаланиши мумкин эмас;

– моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигига эришишда маънавий-ахлоқий сифатларга эгаллик, шахс сифатида ўзликни англаш, иймон-эътиқодга эгаллик омиллари муҳим аҳамиятга эга.

**Таҳлил.** Мазкур босқичнинг вазифаси ўйинни ўтказиш вақтида ўз ҳолатини таҳлил қила олиш ва қуйидаги саволларга жавоб беришдан иборат бўлади:

- ўйин шартларини бажариш қийин бўлдимми?
- берилган вазифани амалга оширишда нималарни ҳис этдингиз?
- баҳс-мунозара натижасидан қониқдингизми?
- натижага эришишингизда сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит берди?

Ушбу машғулоти кўтаринки руҳда ташкил этилиши мақсадга эришиш учун асос бўлади. Баҳс-мунозаранинг натижасини, албатта, таҳлил этиш ва баҳолаш лозим.

Мурасага келишнинг кичик гуруҳларда ташкил этилиши. Мазкур босқичнинг вазифаси иштирокчилар ўртасидаги у ёки бу вазифани тасдиқлашга эришишдан иборат. Талабаларга бирон-бир тасдиқланган фикрни танлаш имконияти берилади. Бу биргалликдаги иш қуйидаги кўринишда олиб борилади: бир киши тасдиқловчи, иккинчи киши инкор этувчи бўлади. Ушбу фаолият якунида маълум бир жуфтликлар аниқланади. 10 дақиқа мобайнида мурасага эришиш керак.

Муҳокама қилиш учун тахминий саволлар:

- сизга ўйин шартларини бажариш қийин бўлмадимми?
- ўйин жараёнида Сиз нималарни ҳис этдингиз?
- баҳс-мунозара натижаси Сизни қониқтирдими?
- натижага эришишда Сизга нима ёрдам берди ва нима ҳалақит қилди?

Машғулоти охирида ўқитувчи томонидан талабалар баҳоланадилар ва машғулоти якунланади. Педагогик технологиялар асосида талаба-ёшларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги фазилятларини ривожлантириш мавзуси ҳақида фикрлашар эканмиз, ушбу фазилятларни такомиллаштиришда ўқитиш технологияларининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуддир.

“3x4” методи. Машғулотнинг мақсади: талабаларни маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги борасидаги масала юзасидан жамоада ёки кичик гуруҳларда фикрлаш, берилган фикрларни таҳлил қилиб, уларнинг ичидан энг кераклиги, асосланганини танлаб олишга ва шу билан бирга ўз фикрини бошқаларга асослаб бериш малакасини ҳосил қилишга ўргатади. “3x4” методи аввал талаба билан якка ишлаш, сўнгра кичик гуруҳда ишлаш орқали ташкил этилади. Умумий педагогика фанидан амалий машғулотлар ва талабаларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этишда мазкур методдан фойдаланиш мумкин.

Машғулоти ўтказиш тартиби:

● ўқитувчи талабалар сонини ҳисобга олиб, уларни 3-4 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

● ўқитувчи талабаларга методнинг амал қилиш кетма-кетлигини тушунтиради ва ҳар бир кичик гуруҳга олдиндан тайёрлаб қўйилган юқори қисмида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид ёзуви бўлган варақларни тарқатиб чиқади;

● гуруҳ аъзолари тарқатма материалдаги маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид бўлган ёзувларни ўзаро мулоҳаза қилиб давом эттирадилар;

• вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари туриб, соат мили йўналиши бўйича тартиб билан жойларини ўзгартирадilar, яъни 1 гуруҳ 2-гуруҳнинг, 2 гуруҳ 3-гуруҳнинг, 3 гуруҳ эса 4-гуруҳнинг жойига ўтади;

• бошқа жойга келиб ўтирган гуруҳ аъзолари стол устида қолдирилган тарқатма материалдаги маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид фикрлар билан танишиб, унга яна учтадан бошқа ўз фикрларини ёзиб чиқадилар;

• шу тариқа кичик гуруҳлар ўз жойларига навбат билан қайтиб келгунга қадар берилган вазифани амалга оширадilar ва тарқатма материалларга маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид бўлган учтадан ўз тушунчаларини ёзиб чиқадилар;

• топширилган вазифаларни бажариб жойларига қайтиб келган гуруҳлар тарқатма материалдаги тўпланган барча маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид фикрларни диққат билан ўрганиб чиқадилар ва улардан фойдаланиб берилган мавзуга аниқ таъриф ёки қоида изоҳини келтириб чиқадилар;

• ҳар бир гуруҳдан бир вакил тайёрланиб, гуруҳ томонидан берилган маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид таъриф ёки қоида ўқиб эшиттиради, тақдимот қилади;

• ўқитувчи гуруҳлар томонидан берилган маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигига оид таърифлар ёки қоидаларни изоҳлайди ҳамда баҳолайди, шундан сўнг машғулотни якунлайди.

Мазкур методни ўтказишда гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунда кичик гуруҳлар жойларини 3 марта алмаштирадilar ва бу билан вақт тежалаяди ҳамда зерикиб қолишга йўл қўйилмайди. Агар гуруҳда талабалар сони кўп бўлса, у ҳолда уларни иккита катта гуруҳга бўлиб, кичик гуруҳлар алмашинувини ҳар бир катта гуруҳ орасида алоҳида, тақдимотини эса биргаликда ўтказиш мумкин. Агар аудиторияда шароит бўлмаса, гуруҳлар алмашинувидан эмас, балки тарқатма материалларнинг ўзини алмаштириш, яъни ҳар бир гуруҳнинг ўз варағи жойига келгунча алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин.

“3x4” методини қуйидаги мавзулар асосида ташкил этиш мумкин:

“Инсонпарварлик – бу...”;

“Маънавий-моддий ҳаёт уйғунлиги – бу...”;

“Адолатпарварлик – бу...”;

“Сизнинг тасаввурингизда очикқўллик”;

“Саховатпешалик – бу ...”;

“Ҳалоллик – бу ...” каби мазмундаги қоғоз варақларининг юқори қисмида давом этирилиши ёки фикрлар билан тўлдирилиши лозим бўлган асосий тушунчадан фойдаланилади.

Ҳар бир ўқитувчи ушбу методлардан ўз фанининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб фойдаланиши ва мақсади, шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда керагича ўзгартириши мумкин. Тарихан тараққиёт натижаларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, инсоният буюк мақсадларни кўзлаб юксак тараққиёт сари интилар экан, маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигига бўлган эҳтиёж ҳам шунчалик ортиб боради. Маънавий-моддий ҳаёт уйғунлиги инсонларнинг мавжуд ҳаётга нисбатан қарашларини тубдан ўзгартириб, келажакка бўлган ишонч туйғусини ошириб бораверади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш ҳам бўлажак ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришга эришишнинг муҳим омилларидан бири саналади. Педагогик технологиялар эса жараёни тўғри ва мақсадли ташкил этишни тақозо этади. Зеро, педагогик технологиялар аниқ мақсад асосида, изчил, узлуксиз ва тизимли олиб борилиши натижани кафолатлаш учун хизмат қилади. Мазкур вазифани муваффақиятли ташкил этишда умумий педагогика, она тили ва адабиёт, миллий ғоя, физиология, тарих ва бошқа ижтимоий фанларнинг имкониятлари бекиёс. Демак, бўлажак ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологиялардан ўринли фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигини ошириш ва бугунги кун талабига жавоб берадиган, интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, ўзида маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини мужассам этган ижодкорларни тарбиялаш учун хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва маҳорат. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2006.
3. Ишмухамедов Р.Ж. Тарбияда инновацион технологиялар. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси, 2010.
4. Зиямухаммадов Б. Баркамол авлодни вояга етказиш сирлари. – Т.: “Саностандарт”, 2011.
5. Мирсагатова Н.С. Талаба-ёшларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013.

1. Sharipova Lobar, Xусенов Мурод. YUKSAK MA`NAVIYATLI YOSHLAR JAMIYATNING TAYANCHIDIR. INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL ISSUE 12 (33) Part 2 Б. 177-181.
2. Лобар ШАРИПОВА. ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МОДДИЙ ҲАЁТ УЙҒУНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ pedagogik mahorat ilmiy-nazariy va metodik jurnal 5-son (2020-yil, oktabr) В. 81-84
3. Шарипова Л.О. КИМЁВИЙ ХАВФЛИ ОБЪЕКТЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСУЛЛАРИ. Замонавий кимёнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокидаги онлайн илмий-амалий анжумани материаллар тўплами 4-5 декабр 2020 Б. 41 – 43
4. Шарипова Л.О. ИННОВАЦИОННЫЙ МЕТОД УТИЛИЗАЦИИ РЕЗИНОТЕХНИЧЕСКИХ ИЗДЕЛИЙ И ПЛАСТМАСС Замонавий кимёнинг долзарб муаммолари мавзусидаги Республика миқёсидаги хорижий олимлар иштирокидаги онлайн илмий-амалий анжумани материаллар тўплами 4-5 декабр 2020 Б. 73 – 74